



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 майдаги «2019-2022 йилларда давлат ветеринария
хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича
чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги
381-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
22 майдаги «2019-2022 йилларда давлат ветеринария хизматларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури
тасдиқлаш тўғрисида»ги 381-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида
Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
22 майдаги «2019-2022 йилларда давлат ветеринария хизматларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури
тасдиқлаш тўғрисида»ги 381-сонли қарорини ижро учун раҳбарликка
олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги
қарори билан куйидагилар:

а) 2019-2022 йилларда давлат ветеринария хизматларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури
иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Куйидагилар:

1) 2019-2022 йилларда давлат ветеринария хизматларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурида
назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг
ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси маблаглари,
республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети,
ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси маблаглари;
вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблаглари;

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
конунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ушбеков

2) 2019 йилдан бошлаб давлат ветеринария хизматларини зарур
ветеринария дори воситалари, диагностика умумлар, тест тўпламлари, кимёвий
реактивлар, сарфланувчи материаллар билан узулқисз таъминлаш
ҳамда лабораторияларни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблаглари;

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг

ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармасининг маблаглари;

конунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобида молиялаш-

тирилиши белгиланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасига,
Инвестициялар бўйича давлат кўмитасига, Иқтисодий вазирлигига, Молия
вазирлигига, «Ўзстандарт» агентлигига 2019-2022 йиллар учун Ўзбекистон
Республикасининг ривожланиш давлат дастурида кўрсаткичларнинг
шакллантиришда асосланган хисоб-китобларга мувофиқ давлат ветеринария
хизматлари объектиларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш,
уларни ветеринария хизмати назорати остидаги маҳсулотларнинг
хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш учун зарур асбоб-ускуналар билан
жихозлашни назарда тутувчи лойиҳаларни инobatта олиш топширилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасига
«Ўзстандарт» агентлиги билан бirlалиқда ҳалқаро стандартларга мувофиқ
синовлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда, давлат ветеринария хизмати
таъминидати синов лабораторияларини босқичма-босқич аккредитациядан
ўтказилишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Қорақалпоғистон Республикасида 2019-2022 йилларда давлат
ветеринария хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги 2019-2022
йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, туманлар (шаҳар) хайвонлар
касалиқлари талқиси ва озик-оқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат
марказларининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, замонавий
асбоб-ускуналар ва жиҳозларни жойлаштириш учун хоналарни
мослаштириш ҳамда деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария
экспертиза лабораторияларини талаб даражасидаги бино ёки етарли хоналар
ажратиш ва зарур шароитлар яратиш Қорақалпоғистон Республикаси
бюджетни хисобидан молиялаштириш назарда тутилсин.

5. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари Ветеринария кўмитаси билан биргаликда бозорлардаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларини тегишли бинолар билан таъминлаш ва уларнинг самарали фаолият олиб бориши билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин.

6. Маъмур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Вазирлар Кенгашининг
2018 йил « 22 » майдаги
338 -сонли қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикасида 2019-2022 йилларда давлат ветеринария хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури

№	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
I. Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш				
1	Қорақалпоғистон Республикаси, туманлар (шаҳар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни жойлаштириш учун хоналарни мослаштириш.	2019-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 381-сонли қарорининг чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган манбалар ҳисобидан	Ветеринария кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича кўмитаси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
II. Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш				
2	Нукус шаҳри ва туманлар деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш, талаб даражасидаги бино ёки етарли хоналар ажратиш ва зарур шароитлар яратиш.	2019-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 381-сонли қарорининг чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган манбалар ҳисобидан	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, Ветеринария кўмитаси
3	Барча ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларини замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	2019-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 381-сонли қарорининг чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган манбалар ҳисобидан	Ветеринария кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича кўмитаси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари

Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
Нукус шаҳри ва туманлар деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан тўлик таъминлаш.	2019 йил якунига қадар		Ветеринария қўмитаси. Молия вазирлиги. Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича қўмитаси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
III. Ветеринария мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш			
5. Ётакчи хорижий ветеринария марказлари ва илмий текшириш институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали хайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш бўйича замонавий жаҳон тажрибасини маҳаллий ветеринария марказлари ва лабораторияларида амалиётга жорий этиш.	2019-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 381-сонли қарорининг чоратадбирлар дастурида назарда тутилган манбалар ҳисобидан	Ветеринария қўмитаси. Инвестициялар бўйича қўмитаси. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
6. Хорижий мамлакатларнинг ётакчи ветеринария марказлари ва институтлари мутахассислари иштирокида илмий конференциялар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш.	2019-2022 йиллар		Ветеринария қўмитаси. Инвестициялар бўйича қўмитаси. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
7. Ташхис марказлари мутахассисларини хорижий ветеринария ташхис марказлари билан ҳамкорликда хорижда малакасини ошириш.	2019-2022 йиллар		Ветеринария қўмитаси. Инвестициялар бўйича қўмитаси. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари

